O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB…
INV №
3103097




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 6-mart • № 10 (3993)


## ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

***Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасалар, ижодий бирлашмалар ва бадиий жамоаларнинг 2008 йилдаги фаолияти якунлари атрофлича таҳлил қилинди ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг "2008 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида"ги қарори, 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" деб эълон қилиниши муносабати билан вазирлик олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.***

**Ҳайъат йиғилиши**

Ҳисобот йилида маданият муассасалари, хусусан, театр ва музейлар фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ватандошларимизга маданий ва сервис хизмати кўрсатиш, кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, мамлакат миқёсидаги умумхалқ байрамлари, турли сайилларни уюштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Мамлакатимиз спортчилари йил давомида жаҳон, қитъа ва бошқа даражадаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Галдаги вазифа — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" Давлат дастури асосида аҳолига кенг кўламли маданий-маърифий ва маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш тарзини яхшилаш, бунинг учун оммавий сайиллар, кўрик-танловлар, турли фестивал ва бошқа тадбирлар ёрдамида ёш истеъдод эгаларини аниқлаб, уларга ўз маҳоратларини намоён этишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш, 2012 йили Лондон шаҳрида ўтадиган навбатдаги XXX ёзги Олимпиа ва XIV Паралимпия ўйинларида фаол иштирок этиш учун кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритиш, Пекин Олимпиадасида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қатор вилоят, шаҳар ва туманларда маданият соҳасида фаолият юритаётган мутасаддилар зиммаларидаги масъулиятга фидойилик, ташкилотчилик билан ёндашиб, эътиборга молик ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиб бормоқда. Биргина Фарғона вилоятининг Бувайда туманида йил давомида аҳолига ўн миллион сўмлик хизмат кўрсатилган.

Афсуски, аҳвол ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Ҳайъат йиғилишида ўз ишига совуққонлик билан қараётган, бор имкониятлардан унумли фойдаланмаётган, ишни яхшилаш юзасидан аниқ-равшан таклифлар киритмаётган мутасаддилар номма-ном айтиб ўтилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида, вазирлик йиғилишларида ижро интизоми билан боғлиқ камчиликлар бир неча бор айтиб ўтилган, тегишли чора-тадбирлар белгиланган бўлишига қарамай, бу борадаги камчилик ва нуқсонлар тўла-тўкис бартараф этилгани йўқ. Андижон, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент, Навоий вилоятларидан маданият соҳаси раҳбарларининг қониқарсиз иш фаолияти тўғрисидаги шикоятлар ҳамон келиб турибди. Маданият уйлари, клубларнинг кўпчилиги мослаштирилган биноларга жойлаштирилган бўлиб, сервис хизмати талаб даражасида ташкил этилмаган. Қашқадарё вилоятида йил давомида аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳар бир клуб мисолида атиги 18 минг сўмни ташкил этади, холос.

Соҳа мутасаддилари дунёда кечаётган мураккаб жараёнларни, хусусан, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун бораётган курашни ҳис этган ҳолда ўз ишларини бугунги талаблар асосида қайта кўриб чиқишлари, маданият, санъат ва спорт соҳаси тадбирлари орқали ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашлари зарур.

Ҳайъат йиғилишида Лондон Олимпиадаларига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ахборот тингланди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишни Маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов олиб борди.



## БИР КАФТ ДУО



Баҳор-Аёл-Она — бу уч сўз бир-биридан куртаклаб чиққан. Биз ҳар қанча шоирона таъриф, файласуфона мушоҳада қилмайлик, бу сўзларнинг мағиз-моҳияти бир нуқтада — "ҳаётнинг давомийлиги" деган хулосада кесишади.

Баҳор — умрни умрга қўшувчи, кечани бугунга, бугунни эртага боғлаб берувчи фурсат, ҳаётнинг яна бир карра қайта бошланувчи лаҳзаси. Илдизнинг кўз ёриши, уруғ униши, куртак ниш уриши — шунга ишора. Бинобарин, инсон умри давомида ҳам бир неча бор бу каби сўлиш-яшнаш юз беради. Кўкламни бу қадар интиқлик билан кутишимизнинг сабаби ҳам шу.

Аёл табиатнинг баҳорига муқояса қилиб яратилган ҳилқат. У ҳар кўнгилга, ҳар умрга баҳор янглиғ киради, яшнатади, ўша қалбда умид, гўзалликка ташналик, хотиржамлик уйғотади. Аёлнинг борлиги — бутун оламнинг, табиатнинг гўзал бўлиши учун қўйилган талаб.

Баҳор ва Аёлнинг юксак қиёфаси — Она. Бу улкан ва меҳрибон бағирда баҳор ва аёлга тегишли барча эзгуликлар мужассам. Эҳтимол шунинг учундир, бу зотга нисбатан туганмас меҳр ва шафқат манбаи деган фикрда бўламиз. Бошимизга яхшилигу ёмонлик, ташвишу қувонч тушганда энг биринчи Онани эслашимиз, йўқлашимизнинг боиси шу.

Ҳар тонгда юмуш билан кўчага отланар эканмиз, уйимиздаги шу муштипардан дуо кутамиз. Унинг соф нияти бизни ҳамиша асрашига, қувватлашига ишонамиз. Аслида, шу пайтда ҳаётнинг давоми учун Баҳордан, кўнгилнинг тириклиги учун Аёлдан, ўзимизнинг хотиржамлигимиз учун Онадан дуо олган бўламиз.

Бизни шу бир кафт дуо асрайди.

## СУНЪИЙ ТЎҒОН

### ёхуд «учинчи одам» фалсафаси

**Қадим Туркистон — Марказий Осиё минтақасининг жаннатмонандлиги унинг бағридан ҳайқириб оқувчи икки улуғ дарё — Амударё ва Сирдарёнинг беқиёс инъомлари туфайлидир. Бу улуғ наҳрларнинг инъоми, шубҳасиз, Осиёнинг қайноқ қуёши остида томчиси олтинга тенг бўлган обиҳаётдир. Бу дарёлар обиҳаёти етиб борган жойда боғ кўкариб, тупроқда гуллар унади. У бормаган жой эса поёнсиз чўлу саҳрога айланади. Аждодларимиз қадим-қадимдан буни яхши билишган ва ўзларининг эзгу амалларини шу дарёлар обиҳаёти билан боғлашган. Шубҳасиз, дўсту душманларимиз ҳам буни идрок этмай қолишмаган. Кимлардир бизга дарёларимиз ҳамиша обиҳаётга тўлиб оқишини тилашса, яна кимлардир шу дарёларнинг беқиёс инъомларидан бебаҳра қолдиришни ҳам ўйлашган... Шоирлар айтганидек, дунё азалдан шундай қурилган: мудом ташбеҳда тун билан тонг ёнма-ён келади, эзгулик билан ёвузлик, самимият билан носамимийлик курашади.**

**Муносабат**

Ўтган йилнинг айни баҳор ва ёз ойлари Қарши чўлидаги фермер хўжаликларида обиҳаёт танқис бўлганидан ғалласи ва ғўзаси аранг бир сув ичиб, чанқаб қолган далаларни кўриб, ниҳоятда афсусланган эдим.

Кейин билишимча, Мирзачўлда зироатчилик қилаётган фермерлар ҳам сув танқислигидан роса азият чекишган экан.

Обиҳаёт етишмаслиги боис кайфияти тушган деҳқонларни Фарғона водийсида ҳам кўришимга тўғри келди. Энди пахта терими бошланган кезлар Жанубий Фарғона каналидан сув олувчи деҳқонлар шундай ҳасрат қилишди: "Биз куздан то кўкламнинг охиригача бозорни тўлдириб турадиган сабзавотларни, асосан, картошкаю сабзи-шолғомни ғалланинг ўрнига экамиз. Бу йил мана шу экинлар айни ҳосил тугадиган пайт каналимиз суви жилдираб қолди. Энди буёғи қандоқ бўларкин?"

Одатда нархи икки юз-уч юздан ошмайдиган пиёзнинг баҳоси минг сўмга чиқиб кетганининг боиси ҳам деҳқон даласига келаётган сувнинг жилдираб қолгани билан изоҳланади. Ҳар қандай экин вақтида сув ичмаганидан сўнг уни етиштириш учун кетган харажат ўзини оқламаслиги тайин. Бу эса истиқлол боис ер эгасига айланган, кўкрагига энди шамол теккан деҳқону фермернинг қанотини қайириш билан баробар. Деҳқоннинг ортида эса у яратаётган фаровонликка кўз тиккан, унинг меҳнати самараларидан баҳраманд бўлаётган бутун элу юрт ва миллатнинг манфаатлари турибди. Зотан, дарёлар оқимини сунъий равишда бошқаришга уриниш, бу фақат иқтисодий муаммоларнигина келтириб чиқармай, мавжуд экологик вазиятни ҳам янада мураккаблаштириб юбориши ҳеч кимга сир эмас.

**Давоми иккинчи бетда.**



## ЎЗБЕК РАҚҚОСАЛАРИ ҲИНД САҲНАСИДА

Юртимизнинг таниқли ансамбллари қаторидан ўрин олишга улгурган "Офарин" замонавий рақс театри ҳам миллий, ҳам замонавий услубда бирдек муваффақиятли ижод қилмоқда. Ансамбл репертуаридан миллий рақсларимиз, чет эл мамлакатларининг халқ рақслари ҳамда замонавий модерн йўналишидаги асарлар ўрин олган. "Офарин" нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам ўзбек рақс санъатининг ранг-баранг қирраларини намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Ансамбл 2004 йили Жанубий Кореядаги "Summer Festival" халқаро фестивали ҳамда 2006 йил Қозоғистоннинг Астана шаҳрида ўтказилган "Касалка" халқаро фестиваллари лауреатидир. Индонезия, Корея, Хитой, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Исроил, Туркия, Литва, Латвия, Германия, Франция, Швейцария ҳамда Ҳамдўстлик давлатларининг деярли барчасида ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек миллий рақс санъатини тарғиб этган.



Куни-кеча ансамбл "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компанияси ташаббуси билан уюштирилган Ҳиндистон сафарида бўлиб қайтди. Ҳиндистонда "Делмос карго" тадбирининг очилиш кечасида "Офарин" замонавий рақс театри уч бўлимдан иборат концерт дастурини намойиш этди.

Дастур майин ва латофатли "Муножот" рақси билан очилди, сўнгра "Қушлар" рақси, ўзбек рақсларидан жамланган "Попури" гулдастаси, устоз раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоева томонидан саҳналаштирилган "Тановар" рақси ансамблнинг яккахон раққосаси Зарина Фатоева томонидан ижро этилди. Лотин Америкаси, Испания, Арабистон рақсларни, айниқса, ҳинд рақсини томошабинлар хурсандчилик билан кутиб олдилар. Наргиза Хайиталиева ижросидаги "Лаган" рақси олқишларга сазовор бўлди.

Ансамбл раҳбари Алия Шалхарова Ҳиндистон сафари ҳақида шундай деди:

— Очиғи, сафаримиз мураккаб шароитда кечди. Ҳиндистон пойтахти Деҳлига учиб келишимиз билан концертга тайёргарлик кўриб, ўша куниёқ катта концерт дастурини намойиш этдик. Эртаси куни эрталаб Мумбайга учиб бордик ва шу куниёқ кечқурун концерт бердик. Шунга қарамай, Ҳиндистонга қилган илк сафаримиз бизга жуда ёқди. Бу йил гўзал баҳор фаслини иссиқ Ҳиндистон ўлкасида кутиб олдик.

Ансамблимизнинг бугунги ютуқларида репетитор-балетмейстеримиз Матлуба Абдуллакова ҳамда замонавий рақсларни саҳналаштирувчи балетмейстер Элвира Мулюковаларнинг ҳиссалари катта.

Ёш ансамблнинг ижодий фаолияти бундан-да ривож топишига, ўзбек рақс санъати ривожига унумли ҳисса қўшишига тилакдошмиз.

**Ирода МИРҲУСАНОВА**

## "БИРНИКИ ЮЗГАМИ?"

### "ЎзАС", 2009 йил, 8-сон

**Акс садо**

Газетанинг ўтган сонида чоп этилган таниқли адабиётшунос ва публицист Раҳмон Қўчқорнинг куюнчаклик билан ёзган мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Гапнинг сираси, бугун ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлаётган, биримиз кўриб, биримиз эшитиб, аммо оғзимизга талқон солиб тикиб" юришга уринаётган мавзу қаламга олингани кўпчилигимизга сабоқ бўлди.

Кейинги пайтларда гоҳ жамоат транспорти ойнасига, гоҳ гавжум гузару бозорларнинг кўримли жойларига осиб қўйилган "Одам савдоси домига тушиб, хор-зор бўлиб юрма!" деган мазмундаги эълон-баннерларга кўзимиз тушмоқда. Минг афсуски, ана шундай огоҳликка чақирувчи даъватларга худди бизга, оиламизга, бола-чақамизга таъсири йўқдек беэътибор, беписанд қараб ўтаверамиз.

Кечки овқат ёки нонушта дастурхони атрофида оиламиз билан бирга бу жирканч савдо тўрига тушган бирор танишимиз, кўрган-эшитганимиз ҳақида бемалол суҳбатлашиб ўтирамиз. Бироқ, худо кўрсатмасин, эрта-индин яқинларимиздан бири ҳам "текин пишлоқ" илинжида шу манфур қилмишлар таъсирига тушиб қолмаслигига кафолат бера олмаймиз.

Мен бу фикрларим билан мақола муаллифининг гапларини такрорлаб ўтирмоқчи эмасман. Фақат, Р.Қўчқор таъкидлаганидек, бу каби жирканч ишларнинг салбий оқибати, руҳий зарбалари ҳаммадан ҳам кўра ёш авлодга — болаларимиз елкасига келиб тушади. Муаллим бўлганим учун бу манфурликларнинг болаларга бўладиган таъсирини яхши тушунаман. Муаллиф ҳам "Отаси ёхуд онаси ноқонуний йўл билан хорижга кетган, улар ортидан бири биридан хунук хабарлар эшитаётган болаларнинг маҳалладаги тенгдошлари, синфдошлари, қариндошлари орасидаги ҳолатини тасаввур қилайлик. Бундай психологик зарбалар катталардан кўра болалар руҳиятида жиддий салбий ўзгаришлар, синиш ва бузилишларни келтириб чиқаришини фан аллақачон исботлаб қўйган...", деб куюнади.

Бир сўз билан айтганда, айни вақтида матбуот юзини кўрган ушбу мақола ҳар биримизни яна бир силкиб-туртиб, ҳушимизни жойига келтириб қўйиши керак. Чунки ғаламисларча иш кўриладиган бундай қабиҳликларга қарши бир-икки киши кураша олмайди. Аксинча, огоҳлик ва бирдамлик билан жамият бағридан бу жиноий ҳаракатлар илдизини суғуриб ташлашимиз керак.

**Моҳигул АШУРОВА**

*Тошкент*


## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Эрталабданоқ матбуот дўконига югурасиз. Эҳ, яна улгурмайсиз. Сиздан чаққонроғи илиб кетган бўлади. Келаси жума — яна шу аҳвол. Ундан кўра, югурмай-нетмай, узоқ йиллик ҳамроҳингиз бўлган «ЎзАС»га ОБУНА бўлиб қўя қолмайсизми! Нашр кўрсаткичи 222.**




## БИЛДИРИШ

***2009 йил 10 март сешанба куни соат 14 30да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Наврўз байрамига бағишланган "Сен баҳорни соғинмадингми?" мавзусида мушоира ўтказилади.***

***Барча қизиққанлар таклиф этилади.***

***Манзил: Ўзбекистон кўчаси 16-а бино, метронинг "Бунёдкор" бекати.***

***Тел: 245-98-19, 227-08-30.***

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

## "ШАШМАҚОМ" СОҒИНЧИ

Яқинда биз — Сурхондарё, Наманган ва Самарқанд вилоятларидан келган туман маънавият тарғиботи бўлимларининг раҳбарлари Республика Маънавият тарғиботи маркази ҳузуридаги малака ошириш курсида бир муддат таҳсил олдик. Таҳсил давомида халқимизнинг суюкли ёзувчиси, сўз заргари Абдулла Қаҳҳор ҳамда мусиқашунос олим, академик Юнус Ражабийнинг уй-музейларида бўлиб, бир олам таассурот олдик. Бу ердаги ноёб ҳужжат ва суратлар ҳар икки улуғ ватандошимизнинг ҳаёт йўли, яратган ўлмас асарлари ҳақида ҳикоя қилади. Юнус ота уй-музейида бўлганимизда, машҳур бастакорнинг ўғли, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий билан суҳбатлашдик. Ўзаро мулоқот чоғи у киши бизга "Шашмақом" тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Шунда кўпчилигимизнинг кўнглимиздан бир фикр ўтди.

Кейинги йилларда бизда эстрада санъати жадал ривожланиб бормоқда. Бу соҳада эришилаётган ютуқларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айни шу йўналишда ўта саёз, эстетик таъсирга эга бўлмаган, беш-олтита сўзларнинг қуруқ такроридан иборат қўшиқлар кўпайиб бормоқда. Баъзи ижрочилар қўшиқ нима учун ва ким учун куйланишини аниқ тассаввур қилмайдилар, чоғи.

Бундай пайтларда тингловчи тафтини "Шашмақом" босади, холос.

**Т.ЗОИРОВ,**
**Маънавият тарғибот маркази Термиз туман бўлими раҳбари**

